
Белгиланган тадбирлар ижроси ва навбатдаги муҳим вазифалар муҳокама этиб борилмоқда

Ўзбекистон туманига коронавируснинг кириб келиши ва тарқалишини олдини олиш ва маълумотларни умумлаштириб бориш бўйича туман штабининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда туманда санитария-эпидемиологик осойишталикни таъминлаш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, инфекция тарқалишини олдини олиш, тиббиёт муассаларидаги заҳира фондлари, карантин постлари ва маҳаллаларда иш юритилиши аҳволи муҳокама қилинди.

Пандемияга қарши курашиш юзасидан штаб аъзоларининг ўзларига юклатилган вазифалари тўғрисидаги ҳисоботлари, таклиф ва тавсиялари тингланди.

Шунингдек, йиғилишда туман аҳолиси ўртасида карантин қоидаларига қатъий риоя қилишини таъминлаш, бу борадаги тарғибот ишларини самарадорлигини янада ошириш масалаларига катта аҳамият қаратилди.

Кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилиниб, ижрога қаратилди.

☎Маълумот учун, ҳокимликдаги штаб телефон рақами: **(73) 539-12-81**

Ўзбекистон тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати









2020-07-23 00:18:36